

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 31 июль • № 30-31 (1051-1052)

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



## ИНСОНЛАРИ КАМОЛ ТОПГАН ЮРТ

Ҳар бир давлатнинг ўз миллий байрамлари, муҳим саналари бўлади. Улар ичида мустақиллик санасининг ўрни ва шуқуҳи ўзгачадир. Мана йигирма тўрт йилдирки, суверен мамлакатимизда ушбу қутлуғ кун катта қувонч ва тантана билан кутиб олиниши эзгу қадриятга айланган. Бунда давлатимиз раҳбарининг шу муносабат билан қабул қилинадиган қарорлари муҳим дастуриламалдир.

Шу кунларда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори юзасидан жойларда кўпгина эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Не бахтки, мустақил давлатимизда салкам чорак асрлик умрни яшаш бах-

тига мушарраф бўлиб келаётган эканмиз, тарихан қисқа бу давр мобайнида юртимизнинг чекка-чекка туман, қишлоқларидаги она ва бола, оилалар учун кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўлами шаҳарниқидан қолишмайдиган даражага етди. Бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашма-

лари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ташкил этилиши, ушбу муассасаларнинг зарур моддий-техник база билан таъминланиши ўз натижасини бермасдан қолмади. Хусусан, сўнгги йиллар ичида ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробарга камайдди. 6-15 ёшли болалар орасида ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш 9,7 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,1 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайдди. Шунингдек, фарзандларимиз 11 турдаги хавфли касалликка қарши эмланаётган бўлиб, яқин истиқбол-

да пневмококк, папиллома вируси каби хавфли инфекцияларга қарши икки хил янги вакцина билан босқичма-босқич эмлаш жорий қилиниши натижасида болалар ўртасида юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олиш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислохотлар мустақил мамлакатимизнинг доимий эътибор марказидаги масала бўлиб қолаверади. Зотан, ҳар томонлама ривожланган, келажаги порлоқ давлатни соғлом ва баркамол авлод вакиллари барпо этади.

### УШБУ СОНДА:

#### ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Мустақиллигимиз шарофати билан “Бахтли инсонлар мамлакати” деган янги рейтингда 158 та мамлакат орасида Ўзбекистон 44-ўринда, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ўртасида эса 1-ўринда қайд этилган.

2

#### ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ «ЮТУҚЛАРИМ ЗАМИРИДА ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИАТЛАРНИ КЎРАМАН»



Шу кунгача Аvez Шариповнинг 15 та илмий мақолалари Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда чоп қилинган. 35 дан ортиқ тезислари илмий анжуманлар тўпламларида нашр этилган ҳамда у яратган ихтиро учун 4 та патентга эга бўлди.

3

#### БИЛИМ ВА ТАЖРИБА СИНОВИ



8

## Мустақиллик солномаси

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МАНЗИЛЛАРИ

**Бу йил барчамиз Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ўтган даврда кенг кўламли яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Давлатимиз ривожланиб, жамиятнинг ҳар бир соҳасида янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бермоқда. Замондошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб бораётганини айтмайсизми? Мамнунлик ва шукроналик, ўз иқболи, истиқболи, эртанги кунига ишонч, Президентимиз белгилаб берган истиқлол йўлига эътиқод ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбига жо бўлиб, ҳаёти ва фаолияти маёғига айланди. Шу боис, халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрамини ўзгача шуқух, меҳр-оқибат, хушқайфият билан кутиб олмақда.**

Яқинда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинган, юртдошларимиз қалби Ватанга

да миллий тараққиётимизда Ватан ободлиги, халқ фаровонлиги, авлодларимиз соғломлиги ва баркамоллигида муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йил-

чик бизнесни ривожлантириш, бандликни таъминлаш каби масалаларга давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида дунё мамлакатларининг “Бахтли инсонлар мамлаката” деган янги рейтингда 158 та мамлакат орасида Ўзбекистон 44-гонада, Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ўртасида эса 1-ўринда қайд этилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами жуда кенг. Ҳар йили янги янги тиббиёт масканлари барпо этилиб, улар замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминланаётганини барчамиз кўриб ва кузатиб келяпмиз. Жумладан, Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида Педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳамда Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида янги хирургия корпуслари ишга туширилди. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасидаги ана шундай кенг кўламли ишларнинг юксак самарадорлиги натижасида дунё жамоатчилиги ўртасида эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофиза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. 2014 йил 1 августда эълон қилинган Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофиза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори аниқсиз муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани туфайли аҳоли, аввало, қишлоқ жойларидаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Бундан ташқари, мамлакатимизда туғиш ёшидаги аёлларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш, ёш болаларни эмлаш, ҳомиладор аёллар, чақалоқлар учун турли витамин ва минераллар билан тўйинтирилган озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ижобий ишлар амалга оширилди. Олиб борилган ишлар натижасида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1, гўдаклар ўлими 3,2 баробарга камайди. Биргина “Она ва бола скрининги” дастурининг амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар тугилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайгани эътиборга сазовордир. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарлардан яхши маълум. “Болаларни асрайлик” халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўн та мамлакат қаторидан жой олгани, ҳеч шубҳасиз, юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг яна бир юксак амалий эътирофи бўлди.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти жамоаси ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Институти ва унинг вилоят филиаллари, саломатлик марказлари, даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида



муҳаббат туйғуси билан жўш урган бўлса, ажаб эмас. Бу йилги мустақиллигимиз “**Бетакро-римсан, ягонасан – она Ватаним – Ўзбекистоним**” шiori остида ўтказилади.

Ҳа, албатта, бу ишлар замирида олам-олам маъно мужассам. Мустақиллик йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз кенг қулоч ёзди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қoidsига айланиб борапти. Энг муҳими, мустақиллик туфайли қўлга киритилган бундай ютуқлар ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгидан жой эгаллаб, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги ва янада юксак марралар сари илҳомлантирмоқда. Кўп минг йиллик кўҳна тарихда не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги – ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз сана сифатида кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа сифатида тарих саҳифаларига битилиб қолади.

Ўтган тарихан қисқа давр ичида халқимиз дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгарди. Биз бемисл эришган ютуқларимиз замирида халқимизнинг меҳнат-севарлиги, фидойилиги, мустақам иродаси, бағрикенглиги ва эртанги кунига бўлган ишончини кўришимиз мумкин. Ҳар бир янги йилни мамлакатимиз тараққиёти йўналишларидан келиб чиқиб, янгича номлаш юртимизда хайрли анъаналардан бирига айлагани қувонарлидир. Бинобарин, бу жараён истиқлол йилларида изчил амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислохотларнинг узвий давоми сифати-

**Биринчи йўналиш:**

- аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш;  
- соғлом турмуш тарзини қарор топтириш.

**Иккинчи йўналиш:**

- тиббий статистика хизмати тизимини бошқариш ва мувофиқлаштириш;  
- республикаимизда соғлиқни сақлашнинг ягона ахборот тизимини яратиш.

2014 йилдан бошлаб, давлат ва тармоқ тиббий статистик ҳисоботлари ахборот технология коммуникацияларидан самарали фойдаланган ҳолда e-stat дастури асосида тайёрланиб, тегишли ташкилотларга топширилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган кардиология, эндокринология илмий-амалий тиббиёт



ларида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Мақсадли гуруҳлар ўртасида маънавий, руҳий, жисмоний, тиббий тамойиллар бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқилган. **Тиббиёт ходимлари аҳоли билан ўтказилган давра суҳбатлари, учрашувларида кўпроқ қуйидаги мавзуларга эътибор қаратмоқдалар:**

- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш;  
- зарарли одатлар қанчалик даражада ёшлар ҳаётини захарлашини жонли мисоллар, яъни видеотасмалар орқали ёритиш;  
- қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари;

- огоҳ бўлинг, одам савдоси;  
- ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш;  
- замонавий технологиялар (компьютер, интернет, мобиль алоқа воситаси)дан меъёрида фойдаланиш;

- ўсмир қизлар ва йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлаш.

Ўсмир қизларни оилага тайёрлаш мақсадида барча мактаб, лицей, коллежлар, олий таълим даргоҳларида “Ораста қизлар”, мактабгача таълим муассасаларида “Зумрадойлар давраси” тўғарақлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда маънавий-маърифий руҳдаги тadbирлар ўтказилмоқда.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг жойлардаги вилоят филиаллари шифокорлари асосан, иккита йўналишда фаолият юритиб келмоқдалар.

**Саломатлик ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик сифатида жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Инсон саломатлиги – бебаҳо бойлик. Зеро, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган пиробард мақсад ҳам халқимиз саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган. Бу эса мамлакатимизни ҳар жиҳатдан ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.**

**Зулхумор МУТАЛОВА,**  
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.

## Истеъдодли ёшлар

«ЮТУҚЛАРИМ ЗАМИРИДА ИСТИҚЛОЛ  
БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАРНИ КЎРАМАН»

1985 йил 19 май... Бухоро вилояти Пешку туманида истикомат қилувчи Тўймурод ака Шарипов ва Ҳикматой опа Тўраеванинг хонадонидан катта шодиёна – ўғил фарзанд дунёга келди. Ота-онанинг секинчи чексиз, ака-ука, опа-сингиллар хурсанд. Янги меҳмоннинг соғлом, ақлли бўлиб камол топишини ният қилган ота-она чақалоққа Авез деб исм қўйдилар.

Болакай ёшлигиданоқ ўзи-ни ўраб турган муҳит, табиатда рўй бераётган ҳодисаларни синчиклаб кузатар, гўёки бу оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқдек туюларди унга. Онаси Ҳикматой опа ўғлидаги бу қизиқувчанликни пайқаб, уни кўпинча китоб мутолаасига жалб қилар, ҳар бир саво-

вал мактаб, сўнгра туман шарофийна Ҳимоя қилиш учун борар ва юқори ўринларни эгаллаб қайтарди. Яхши эслайди, тўққизинчи синфда умумтаълим фанлари олимпиадасининг туман босқичида у биринчи, вилоят босқичида эса бешинчи ўринни эгаллади. Ушунда бу натижага эришганлиги учун синф раҳбари, син-

– дейди суҳбатимизда Авезжоннинг ота-онаси Тўймурод ака ва Ҳикматой опа. – Бизнинг энг катта орзуимиз – эл хизматиға ярайдиган, доно фарзандларни тарбиялашдан иборат. Фарзандларимизни болалик чоғлариданоқ билим эгаллашга, хунарманд бўлишга ундаб тўғри қилган эканмиз. Уларнинг барчаси ҳаётдан ўз ўринларини топишди. Айниқса, Авезжоннинг тиришқоқлиги, ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, бунга эришиш учун интилиши бизни мамнун қилади. Ҳозирги вақтда унинг ёш олим сифатида илмий тадқиқот олиб бораётгани бизга янада ўзгача фахр-ифтихор ҳиссини беради.

Талабаликнинг олтин даври... Авезжон – институтнинг энг фаол талабаларидан бири. Бу даргоҳда талабаларнинг ўқиб-изланишлари учун яратиб берилган шароит бекаму кўст. Ўқиб-ўрганмаслик ёки бу жараёндан ўзини олиб қочишга ҳеч қандай асос йўқ. Қизиқувчан, илмга чанқоқ, истеъдодли йигит ўз илмий ишини биринчи босқичдаёқ бошлагани профессор-ўқитувчиларни ҳайратга солган бўлса, ажаб эмас. У устози – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор Собиржон Аминовнинг маслаҳати билан "Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси"да "Газни ва нефтни қайта ишлаш жараёнида чиқадиган техник олтингургуртни адсорбцион тозалаш ва унинг асосида дори воситаларини олиш" мавзусида тақдим этилган илмий лойиҳани тасдиқлаб олиши билан уни ёзишга киришди. Илмий ишни ёзиш жараёнида ёш тадқиқотчи кўплаб илмий тажрибалар ўтказди. Натижада техник олтингургуртни адсорбцион тозалаш усули ишлаб чиқилди. Бу усул янгилиги боис, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига топширилиб, бир неча экспертизалар ўтказилганидан сўнг унга ихтиро сифатида патент (IAR 03824) берилди.

Йиллар ўтди, бакалаврлик ишини муваффақиятли Ҳимоя қилган Авез Шарипов магистрлик босқичига қабул қилинди. Магистрлик диссертациясининг мавзуси тасдиқланди, Авез янги усулда олинган олтингургурт асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича ўз илмий изланишларини изчил давом эттирди. Натижада тозаланган олтингургуртни фаол сирт моддалар ёрдамида ишлов бериш орқали нано ўлчамдаги олтингургурт олинди ва шу асосда олтингургурт суртмаси технологияси ишлаб чиқилди. Унинг ялиғланишга қарши таъсири аналогларига нисбатан бир ярим баробар юқорилиги исботланди.

Мавзу долзарб характерга эга ва уни янада чуқурлаштириш лозим. Бир неча халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиб қайтган Авезжон мавзунини ўқиб-ўрганиш, бошқа мамлакатлар мисолида қиёсий таҳлил қилиш керак, деган хулосага келгани ҳам рост. 2003 йили Москвада ўтказилган "Человек и лекарства" ҳамда 2005 йили Бухорода бўлиб ўтган "Ибн Сино ўқишлари"да, 2008 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Тала-

балар баҳори" фестивалида қатнашган ёш олимнинг маърузалари эътироф этилди. У фестивалда голиби деб тан олинди. Шунингдек, Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган талабалар жамияти конференцияларида Авез Шарипов, албатта, ўз илмий маърузалари билан иштирок этади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча олий ўқув юрталари моддий-техник базаси мустақамланиб, кадрлар таъминоти яхшиланди, таълим сифати ва мазмуни ўзгарди. Бу эса ёшлар учун катта-катта имкониятлар эшигини очмоқда. 2011 йилнинг

Дарҳақиқат, ҳозирга қадар Авез Шариповнинг 15 та илмий мақоласи Олий аттестация комиссияси тасарруфидаги илмий журналларда чоп этилди. 35 дан ортиқ тезислари илмий анжуманлар тўпламларида нашр қилинди, у яратган ихтиро учун 4 та патент берилди.

Албатта, бундай муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Авезжоннинг айтишича, бу ютуқларнинг замирида аввало, мамлакатимиз ёшлари учун Президентимиз томонидан яратиб берилган имконият, эътибор ва ғамхўр-



лига батафсил жавоб берар, болакайдаги билимга чанқоқликни турли усулларда қондиришга ҳаракат қилар эди. Рўзгор юмушлари билан бир вақтда бола тарбиясига ўта масъулият билан қарайдиган Ҳикматой опа фарзандларининг келажақда жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши ҳақида ҳаммиша қайғурарди.

Йиллар ўтди, Авезжон ҳам улғайиб, мактаб остонасига қадам қўйди. Аввалдан мактаб ҳақида тасавури бўлган болакайга янги муҳит, устозларнинг илқ табассуми хуш ёқди. Биринчи устоз билан юзлашув бола қалбини ғоятда тўлқинлантирган бўлса, ажаб эмас. Қўлига илк бора қалам тутқазиб, билимлар мамлақати сари етаклаган муаллим ва муаллималарни у доим мамнунлик билан эслайди. Мактаб даврида барча фанларни чуқур ўрганган Авезжон тенгқурларидан нафақат билимдонлиги, балки одоҳлоқда ҳам ажралиб турарди. Табиий фанлар, айниқса, кимёни ўрганишга бўлган иштиёқ ва интилиш туйфайли у ўқитувчилари тавсиясига қўра, аниқ фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфга ўтказилди. Табиий ва аниқ фанларга бўлган меҳр Авезнинг келажақ тақдирини белгилаб берди, десак асло янглишмаган бўламиз.

Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек, Авезжон мактаб таълими даврида дарсликни қўлидан ташламас, берилган топшириқларни алла-маҳалгача бажариб ўтирар, токи онаси дашном бермагунча ухлаш учун ётмас эди. Албатта, кўп ўқиган, кўп билади. Синфдошлари ўртасида билим ва ақл-заковат бобида яққол кўзга ташланиб турувчи Авезжон фан олимпиадаларида ав-

фдошлари, бутун мактаб маъмурияти уни чин дилдан қўлаган эди. 10-синфда ўқир экан, Авез барча ўқув дастурларини муддатидан аввал ўзлаштиргани учун 11-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё ва биология йўналишида ўқишни давом эттира бошлади.

– Ўқиш жараёни ниҳоятда қизиқарли эди, – дейди ўша давларни эслаб Авезжон. – Ҳар бир дарсимиз ўзгача бир руҳда, баҳс-мунозарага бой, кўргазмали куроллар билан ўтилар эди. Устозимиз Завқиддин Нуруллаевнинг сабоқларидан жуда кўп нарсани ўрганганмиз. Биз ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини оширишда, давлат таълим стандартлари бўйича билим, кўникма, малака меъёрларини ўзлаштиришда устозларимизнинг педагогик маҳорати, ўқувчи билан дўстона муносабати жуда катта роль ўйнади. Устозимизнинг биз ўқувчиларга меҳру муҳаббатини шунчалик даражада юқори эдики, биз танаффусга кўнғирок чалинмаслигини истар эдик.

Ана шундай устозлар мактабни кўрган Авез ўн биринчи синфда ўқиётган кезларида кимё ва биология фанидан ўтказилган республика олимпиадасида тўртинчи ўринни эгаллади. Кириш имтиҳонларига астойдил тайёрланган ўсмир йигит ҳужжатларини сира иккиланмай Тошкент фармацевтика институтига топширди.

Ота-она ва устозлар дуоси, имтиҳонларга қўрилган пухта тайёргарлик ниҳоят, ўз натижасини берди. Авезнинг энг катта орзуси амалга ошди. У Тошкент фармацевтика институтига давлат гранти асосида ўқишга кирди. Бу қувончли хабарни эшитган ота-онанинг кўзларида қувонч порлади.

– Ота-она учун фарзандининг бундай муваффақиятини кўришданда ортиқ бахт бўлмаса керак,

ноябрь ойида барча имтиҳонларни топшириб бўлган Авез Шарипов Тошкент фармацевтика институтига стажёр-тадқиқотчи-изланувчи сифатида докторантурага қабул қилиниб, ўз илмий изланишини давом эттириб келмоқда. "Маҳаллий хом ашёлар асосида олтингургурт сақлаган дори воситалари ишлаб чиқиш ва стандартлаш" мавзуси асосида таркибида олтингургурт сақлаган органик бирикмалар ўрганилиб, уларни ферментлаш орқали антикоагулянт ва антиагрегант таъсирига эга бўлган кукун олинди. Унга шартли равишда "Аллотромбосепин" деб ном берилди. "Аллотромбосепин" субстанцияси асосида унинг капсула ва инъекция дори шакллари ишлаб чиқилиб, клиникагача бўлган текширувлар муваффақиятли ниҳоясига етказилди. Ҳозирги кунда ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасида экспертизадан ўтмоқда.

Ушбу илмий лойиҳа фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан эълон қилинган илмий-амалий лойиҳалар танловида иштирок этиб, грант ютиб олди. Олинган натижалар инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VIII ярмаркаси доирасида ўтказилган танловда "Тиббиёт ва фармацевтика соҳасида энг яхши инновацион лойиҳа" номинациясида голиб деб топил-

лик мужассам бўлса, ота-онанинг эътибори, қўллаб-қувватлаши, устозлар берган таълим-тарбия, улар кўрсатган йўл, қолаверса, иқтидор ва истеъдод бирламчи роль ўйнайди.

– Ишдан қайтгач, оила аъзоларимнинг соғ-саломатлиги, фарзандларим шўх-шодон кулгисини кўриб, барча чарқоқларим унутилади. Бу мени янада шижоат билан меҳнат қилишга ундайди, янги-янги ғояларни амалга ошириш истиғи қалбимда жўш уради, – дейди Авезжон.

Дарҳақиқат, Авезжондек билимли, интилувчан ва иқтидорли ёш олимлар юртимиз тарқиқетини белгилайди, унга ҳисса қўшади. Юртимизда ана шундай ёшларни вояга етказишда барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳар йили олий таълим муассасаларининг турли ихтисосликларига билимдон ва истеъдодли ёшлар қабул қилинмоқда. Улар академик лицей, касб-хунар коллежларида ўқиб, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи – олий ўқув юрталарида таълим олишни давом эттирадилар. Шубҳасиз, улар орасидан Авезжон сингари илм-фан кетидан "кувадиган", янгилик яратиб, жамиятни ривожлантирадиган ёшлар етишиб чиқади. Авезжон Шарипов эса истеъдодли ва иқтидорли олимлардан бири сифатида таълим билан тадқиқотни биргаликда олиб боришга бел болаган.

Яқинда матбуотда эълон қилинган Республикаимиз Президентининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини ёш мутахассис мамнуният билан қабул қилди. Педагог кадрлар салоҳиятини янада ошириш, уларнинг билим доираларини кенгайтиришга кўмаклашиш ҳамда ўз устларида ишлашга сафарбар қилишда ушбу фармон асосий дастуриламал бўлиб қолади.

Ирода ИЛҲОМОВА.

## Давра суҳбати

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил январь ойида бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш, амалиёт билан мувофиқлигини таъминлаш масаласида муҳим фикрлар ўртага ташланган эди.**

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, қонун ижодкорлиги жараёнини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрлаш ва қабул қилишнинг очик-ошкоралик принципларига мувофиқ такомиллашти-

Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, электорат вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий кенгаши раис ўринбоса-

сони 149 тага етиб, улар томонидан 1482 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар қонун нормасини бугунги кун талабларига тўла мослаштириш зарурлигига эътибор қаратишди.

– Қабул қилинганига 17 йилдан кўпроқ вақт ўтган мазкур қонуннинг кўпгина нормалари бугунги кун талабларига мос келмай қолди. Фуқаролар саломатлигини асраш, дори-дармонларнинг сифатини назорат қилишга нисбатан талаб кучайди. Фармацевтик корхоналар ва ишлаб чиқарилаётган дори воситалари сонининг ошиши натижасида соҳага доир қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб такомиллаштириш, соҳага кириб келаётган ўзгаришлар амалдаги қонуннинг айрим нормаларини сезиларли даражада янгилаш заруратини юзага келтирилмоқда, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Ҳ. Холмов. – Шу мақсадда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва айни пайтда у Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Тадбирда сўз олган Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, клиника бош шифокори А. Абидов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати О. Ибрагимовлар таъкидлаганидек, қонун лойиҳасида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳаси ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган техник талабларни тартибга солишни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш мақсад-вазифа ва талаблари назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий давлатлар тажрибаси, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари асосида амалдаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, фармацевтика сектори ривожланишига ғов бўлаётган

ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, дори воситаларини қалбакилаштириш ҳамда сохталаштириш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатилган каби мақсад-вазифалар белгиланган.

Қонун лойиҳасида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, жумладан, рецептсиз дори воситалари сотишни қатъиян чеклаш, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, стандарт-

ни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Полвонов. – Қолаверса, мамлакатимизда дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, бу орқали фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш, аҳолини давлат дорихоналари муассасалари орқали эҳтиёжни қоплайдиган ҳажмда дори воситалари билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қонун лойиҳаси нормаларида акс эттиришга эришилади. Зеро,



риш, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларига доир нормаларни умумэтироф этилган принципларга мослаштириш ишларига фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни даврда Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан ҳам парламентда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик экспертизаси ташкил этиш ҳамда фикрини ўрганиш, уларни Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолиятига татбиқ этишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Худди шундай тадбирлардан бири "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКга қарашли "Сиҳатгоҳ" санаторийси фаоллар залида бўлиб ўтди. Давра суҳбатида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Давра суҳбатида Олий Мажлис

ри А. Раҳмонов қайд этганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган туб ислохотлар доирасида фармацевтика соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, мамлакатимизда аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга қаратилган ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Хусусан, аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш ҳамда фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган фаолият бугунги кунда амалдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу қонун 1997 йилда қабул қилинган вақтда республикамизда атиги 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 га яқин номдаги дори воситалари ишлаб чиқарила эди. Мазкур қонун билан республикамизда фармацевтика саноатининг ривожланишига асос солинди, натижада бугун юртимизда соҳада фаолият юритаётган корхоналар

лаштириш, сифат назорати, реклама қилиш, қўллаш, йўқ қилиш, дори воситаларининг клиник тадқиқотларини амалга ошириш ҳамда уларни давлатга олиб кириш ёки олиб чиқишга қаратилган мақсадлар ўз аксини топган.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси партия дастурий мақсад ва вазифаларига концептуал жиҳатдан мувофиқлиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Таъкидлаш жоиз, қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида белгиланган аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини янада ошириш, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароит яратиш каби вазифалар-

Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастурида айни шу мақсадга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Энг муҳими, янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши орқали дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади, қалбакилаштирилган ва рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг файриқонуний нусхаларини ҳамда сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

Қизгин мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатида партия фаоллари ва электорат вакиллари томонидан мавзу юзасидан бир қатор саволлар ҳамда фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Тадбир якунида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар билдирилди.**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати.**

## НЕЗАБЫВАЕМЫЕ СОЛНЕЧНЫЕ КАНИКУЛЫ

**Лето... это самая любимая пора, особенно для ребятшек. Ведь именно в это время года проходят самые длинные и долгожданные летние каникулы. В жаркие летние дни для интересного времяпровождения детей, в нашей республике созданы все необходимые условия.**

Как в столице, так и за ее пределами ведут деятельность интересные кружки, все парки распахнули свои двери для малышей. Хотелось бы особо отметить деятельность летних оздоровительных лагерей, где ребяташки укрепляют свое здоровье и с пользой проводят каникулы. Об одном из таких лагерей мы

бы хотели вам рассказать.

Все условия созданы для качественного отдыха в детском оздоровительном лагере "Ок олтин" Ташлақского района. После капитальной реконструкции он стал еще краше. Отремонтированы спортивные помещения, спальные корпуса, медпункт, комната отдыха и столовая. Все помещения оснащены

современным инвентарем.

В лагере регулярно проводятся культурно-просветительные и развлекательные мероприятия, спортивные состязания. Ребята увлеченно занимаются в кружках художественного творчества, швейного дела, краеведения, рисования, танцев и музыки. Также в лагере действуют спортивные секции по баскетболу, волейболу, футболу, теннису, шахматам и шашкам. Регулярно организуются смотр-конкурсы и выставки.

Здоровье детей находится под постоянным контролем ме-

диков. Врачебный кабинет оснащен необходимым медицинским оборудованием и медикаментами.

Для подробного ознакомления отдыхающих с нашим необъятным краем, в лагере проводятся экскурсии по родному краю. Ребята с большим интересом знакомятся с богатством животного и растительного мира, делают гербарии из собранных растений.

По словам директора лагеря "Ок олтин" **Абдугани Сулаймонова**, продолжительность смен в лагере составляет 14

дней. За этот период дети, отдыхающие здесь, становятся участниками интересных творческих конкурсов, викторин, спортивных эстафет, игровых и развивающих тренировок, развлекательных программ, тематических дискотек, что способствует интересному и полезному отдыху. Радует то, что ребята каждое лето с нетерпением ждут встречи с любимым лагерем и новыми друзьями.

**Мухаммаджон МАХМУДОВ. Ветеран труда.**

Самарқанд вилояти

Юртимиз шифохоналарида

## МУАЙЯН ЙЎНАЛИШ ВА МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА

**Мазкур йилни Президентимиз томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланиши замирида хонадонларимиз файзи бўлган отахону онахонларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ётади.**

Дарҳақиқат, биз бунинг ифодасини жойларда олиб борилаётган тадбирлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси

ди. Жумладан, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг малакали мутахассислари 2015 йил 16-28 февраль ва 8-24 июнь кунлари юқоридаги

ассасалари мутахассисларидан кардиолог, онколог ва фтизиатрлар вилоятнинг 14 та туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри аҳолиси саломатлигини текширувдан ўтказиб, касаллиги аниқланган беморларга муҳим тавсия ва маслаҳатлар бериш билан бирга, республиканинг етакчи клиникаларига имтиёзли йўланмалар беришди. Мутахассисларимиз жойларда 5880 нафар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишди. Уларнинг 49 нафари Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, 533 нафари меҳнат fronti фахрийларидир. 90 нафар киши ўз хонадонларида тиббий кўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, 5212 нафар барча ёшдаги аҳолининг кенг қатлами ҳам тиббий кўриқка жалб этилди.

Шуни алоҳида таъкидлашим муҳимки, туман (шаҳар)ларда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтган аҳолининг тўлиқ рўйхати тузилиб, исм-шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, таш-

салликлар борлиги аниқланди, шундан 21 нафарига республика ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида давомли тиббий текширувлардан ўтиш ва малакали даволанишга йўланмалар, 822 нафар беморларга вилоятнинг туман тиббиёт ва Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги ши-

ман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида долзарб мавзулар бўйича "Маҳорат дарслари"ни олиб боришди.


Юқорида таъкидлаб ўтилган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган ижтимоий акцияда кенг аудитория қамраб олинаётганлиги касалликларни



Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 2 февралдаги 45-сонли буйруғи асосида уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳамда тақлиф қилинган бошқа тоифадаги аҳоли тажрибали мутахассислар томонидан Самарқанд вилоятининг туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказил-

қарор ва буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли кенг қатламларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишда фаол иштирок этишди.

Мазкур тадбирда Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематолог, терапевт, невропатолог, хирург, ЛОР, қон томирлари хирург, уролог, гинеколог ва нейрохирургдан иборат ишчи гуруҳлари ҳамда вилоят ихтисослаштирилган даволаш-профилактика му-



хиси, тавсиялар аниқ белгиланди ва маълумотлар базаси ташкил этилди. Ўтказилган мазкур тиббий кўриқлар натижасида 4728 нафар кишида турли ка-

шароитда даволаниши учун керакли муолажа буюрилди. Амалий фаолиятлар қаторида марказимизнинг малакали мутахассислари июнь ойида ҳар бир ту-

фовхоналарда даволанишлари учун тавсиялар берилди. 91 нафар фуқарога касаллик турларини ҳисобга олган ҳолда, санаторийларда даволанишга эҳтиёжи борлиги айтилди. Бунинг баробарида 2731 нафар беморга амбулатор

эрта аниқлаш, олдини олиш ва ўз вақтида сифатли даволашда катта аҳамият касб этмоқда.

Матбуотда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт марказимизда амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар бўйича режалар белгилаб олинди ва бу борадаги ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

**Хуршида МАТЛЮБОВА,**  
Самарқанд вилояти  
кўп тармоқли  
тиббиёт маркази  
бош вақили.



## СОВРЕМЕННЫЕ МЕДИЦИНСКИЕ УСЛУГИ

**Бухарская районная многопрофильная центральная поликлиника оснащена современным медицинским оборудованием в рамках проекта «Здоровье-3».**

Медицинское учреждение способное обслуживать 250 пациентов в день имеет все условия для оказания первой медицинской помощи, качественного выполнения диагностики и лечения. Квалифицированные медицинские работники особое внимание уделяют охране здоровья матерей и детей, проведению углубленных медицинских осмотров представителей старшего поколения.

На снимках: в Бухарской районной многопрофильной центральной поликлинике.

Фото Тахира ИСТАТОВА. (УзА).



## ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАВЕРИНГ, ШИФОКОРЛАР!

**Инсоннинг бахту саодатини саломатлик билан ўлчаш барча замонларда ўзини оқлаган фикр ҳисобланади. Эртанги кун умиди билан яшаётган кишини нимадир безовта қилиб турган бўлса, унинг саъй-ҳаракатларидан не наф? Моҳир жарроҳ, олий тофали шифокор Шавкатжон Ашуров қабулида бўлган ҳар бир бемор билан мулоқотда бўлар экан, ана шу фикрни тез-тез кўнглидан ўтказди.**

Кўп йиллик иш тажрибасига эга шифокор Шавкатжон Ашуров Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг колопроктология бўлимини бошқариб келмоқда. Моҳир шифокор ўз касбий фаолияти давомида жарроҳлик соҳасини чуқур ўрганиб, ички касалликларни шу усулда даволаш бўйича аввало, Ўзбекистон, қолаверса, дунё миқёсидаги тажрибалиларни кунт билан ўрганишга доимо вақт топади. «Янги даврнинг билимдон шифокори бўлинг», дейди у ўзининг ёш ҳамкасбларига.

Колопроктология бўлими бош-

